



"ПАРЛАМЕНТ ВА ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ: ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАР ВА ЕЧИМЛАР"

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
ўқитувчиси, майор

Жумашев Отабек Улуғбек ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги
таълим Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти
иҳтисослиги бўйича таълим олаётган 2-ўқув курси 216-
ўқув гуруҳи курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14989333>

ARTICLE INFO

Received: 27th February 2025

Accepted: 28th February 2025

Published: 7th March 2025

KEYWORDS

Ҳуқуқбузарликлар,
парламент назорати, депутатлик
назорати, қонунчилик,
жамоатчилик иштироки, ҳуқуқий
ислохотлар, назорат механизми.

ABSTRACT

Мақолада парламент ва депутатлик назорати орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалалари кўриб чиқилади. Назорат механизмларини такомиллаштириш, қонунчилик ташаббусларини кучайтириш ва жамоатчилик иштирокини ошириш усуллари таҳлил қилинади. Шунингдек, муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида таклифлар берилади.

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди. Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қуйи бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш жамиятнинг барқарор ривожини ва ҳуқуқий давлатнинг мустаҳкамлиги учун асосий шартлардан биридир. Бу мақсадга эришишда парламент ва депутатларнинг назорат функциялари муҳим аҳамиятга эга. Парламент фақат қонун чиқарувчи орган эмас, балки ҳукумат фаолиятини назорат қилиш, конституциявий қонунчиликнинг амалдагилигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим роль ўйнайдиган институтдир. Шунинг

учун парламент ва депутатлик назоратини такомиллаштириш долзарб вазифа сифатида келиб чиқади.

Буборада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Бугунги кунга қадар давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг аниқ ҳуқуқий механизмлари яратилмаган. Бу эса, нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятини холисона баҳолашга халақит бермоқда” дея таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, юртимизда жамоатчилик назорати институти узоқ тарихий илдизларга эга. У асрлар давомида оқсоқоллар Кенгаши кўринишида намоён бўлиб келган. Тарихдан бу институт уруш ва тинчлик масалалари, низоларни шарқона оғир-босиқлик билан ҳал қилиш учун ташкил топган. Кейинчалик Кенгашлар маҳаллаларда ҳашар, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, ёрдамга муҳтожларнинг муаммоларини биргаликда ҳал этиш, ўзини ва ўзгаларга эътиборли бўлиш, фарзандлар тарбиясига лоқайд бўлмаслик ва бошқа жамоат ишлари билан ҳам шуғулланадиган жамоатчилик тузилмаси ҳисобланган. Бу борада буюк аллома Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шаҳри” асарида ҳам ҳукмдорларнинг аҳоли олдида ҳисоб бериб туришлари ва уларнинг қонунларга сўзсиз буйсунишлари зарурлигини алоҳида таъкидлаган. Бундай ёндашувлар бизга мерос бўлиб, ўзининг амалий натижаларни бермоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”¹ги 10.04.2017 йилдаги ПФ-5005-сон Фармони қабул қилинди.

Ушбу Фармонда бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдида ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни кўяётганлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, кейинги йилларда ички ишлар органлари фаолиятида тўпланиб қолган жиддий камчилик ва муаммолар ушбу вазифаларни самарали бажаришда тўсиқ бўлётган камчиликлар белгилаб олинди. Хусусан:

ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг аҳоли олдида ҳисобот бериб боришининг таъсирчан тизими, уларнинг фаолияти устидан жамоатчилик, **парламент ва депутатлик назоратининг самарали механизмлари жорий этилмаган**, бу эса ходимларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажариши учун масъулиятини ошириш имконини бермаяётганлиги кўрсатиб ўтилди;

шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари белгиланди. Жумладан;

ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг аҳоли олдида мунтазам ҳисобот бериб бориши тизимини, қилинган ишларга баҳо беришнинг аниқ мезонларини, шунингдек уларнинг фаолиятида қонунийликни таъминлаш бўйича жамоатчилик, **парламент ва депутатлик назоратининг самарали механизмларини жорий этиш** белгилаб олинди.

Фармонда ички ишлар органлари фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратининг янги тизими ўрнатилаётганлиги. Жумладан, Олий Мажлис Сенати томонидан бир йилда икки марта Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси ҳолати тўғрисидаги ҳисоботини эшитиш тартиби жорий этилаётганлиги таъкидланди. Худди шундай,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.04.2017 йилдаги ПФ-5005-сон Фармони

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлар Кенгашилари ҳар чоракда тегишли ички ишлар органлари ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиши, халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашилари ҳар чоракда туман (шаҳар) ички ишлар бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботини, ҳар ойда эса унинг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарининг ҳисоботини эшитади.

Ушбу эшитувлар давомида ички ишлар органлари мансабдор шахслари томонидан ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга, хусусан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси, жиноятларни фош этиш, жиноятчилик ҳолатини, ҳуқуқбузарликлар кўпайишига олиб келадиган сабаб ва шарт-шароитларни таҳлил қилишга доир кўрилатган чора-тадбирлар танқидий муҳокама қилинади. Эшитувлар якунлари бўйича ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигига баҳо берилади, шунингдек мансабдор шахсларга нисбатан эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолайоқлиги ҳақида тавсиялар қабул қилинади.

Ички ишлар органлари қўйи бўғини фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида Фармон билан туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиғининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари — ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлимаси) бошлиғи лавозимини жорий этиш кўзда тутилмоқда. Унинг зиммасига профилактика инспекторлари ишини, авваламбор, вояга етмаганлар ҳамда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ишини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси юклатилади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси²да ҳам ушбу йўналишларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Жумладан:

“Очиқ айтиш керак, сиёсий партияларда бу соҳада ҳалигача хотиржамлик, қандайдир мудраб ўтириш кайфияти ҳукм сурмоқда. Ҳеч кимга фойдаси бўлмаган мажлислар соатлаб давом этмоқда, танқидий таҳлил ўрнига майда масалалар билан ўраллашиб, долзарб муаммоларнинг ечими четда қолиб кетмоқда.

Эътибор беринг, ҳар бир партиянинг дастурида вазифалар ва йўналишлар аниқ белгиланган. Ушбу соҳалар бўйича жавоб берадиган вазирлик ва давлат қўмиталари ҳам аниқ.

Аmmo нима учун партиялар ана шу вазирлик ва қўмиталар фаолияти устидан ўзларининг вакиллик органларидаги фракцияси ва партия гуруҳлари орқали парламент ҳамда депутатлик назоратини самарали амалга оширмапти, деган савол туғилади.” деб таъкидлаган эди.

Парламентнинг назорат функциялари Конституция, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида"³ги қонун, "Парламент назорати тўғрисида"⁴ги қонун каби асосий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси⁵нинг 94, 95-моддаларида кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг мутлоқ ваколатлари белгиланган бўлиб, ҳукуматнинг қонунчиликни амалга оширишини, давлат бюджетининг бажарилишини ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларининг амалга оширилишини назорат қилиш ҳуқуқига этилиги кўрсатилган. Шунингдек, "Олий Мажлис ҳақида"ги қонуннинг 33⁵-моддасида депутатларнинг назорат функциялари ва уларнинг амалга ошириш механизмлари белгиланган.

² Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 13 июль кунги "Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси"

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида" ги 2003 йил 29 август кунги ЎРҚ-522-сон қонун

⁴ Парламент назорати тўғрисидаги 2016 йил 11 апрелдаги ЎРҚ 403-сон қонуни

⁵ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси

Бу борада АҚШ тажрибасига бироз тўхталсак. Масалан, АҚШда жамоатчилик назорати ғояси узоқ тарихга эга. АҚШнинг 4-Президенти Жеймс Медисоннинг “Federalist” газетасида чоп этилган фикрига кўра: “Республикачи”ларнинг озодлик руҳияти, шубҳасиз, нафақат бутун ҳокимият халқдан чиқиши, балки халқ ишонч билдирган ҳокимиятлар ҳам халққа боғлиқ бўлиб қолиши керак”. Бугунги кунга қадар бу ғоялар, яъни ҳокимият органларининг халққа ҳисобот бериши АҚШда сиёсий анъана сифатида қабул қилинган ҳамда бу борада ўзига хос бой тажриба тўпланган. АҚШда жамоатчилик назорати икки йўл билан амалга оширилади. Биринчиси–фуқароларнинг хоҳиш-истакларини тўғридан-тўғри фодалаш бўлса, иккинчиси–халқ томонидан сайланган вакиллар амалга оширади. Эътиборли жиҳати шундаки, иккала назорат усулининг бир-биридан устуворлиги ҳақида гапириш ўринсиз, улар биргаликда бир мақсадга хизмат қилади. Масалан, тўғридан-тўғри жамоатчилик назорати фуқароларнинг ҳокимият фаолияти тўғрисида тўлиқ маълумот олишлари, журналистик текширувлар, фуқаролар йиғилишлари, жамоат тингловлари орқали жамият ишларини бошқаришда фуқароларнинг иштирокини кенгайтириш, қонун лойиҳаларини жамоатчилик экспертизаси ва ҳоказо усуллар ёрдамида амалга оширилса, иккинчи вакиллик усулида парламент назорати, ҳуқуқий қонун чиқарувчи, маҳаллий ҳокимият вакиллик органининг назорати орқали амалга оширилади. Парламент ва депутатлик назоратини такомиллаштириш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг ҳозирги кундаги долзарб масалалари деб қуйидагиларни келтириш мумкин. Хусусан:

биринчи. Назорат механизмларини янада такомиллаштириш зарурати:

– Парламент ва депутатлик назорати ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим восита ҳисобланади. Лекин амалдаги механизмлар баъзан етарлича самарали ишламайди. Бу эса давлат органлари фаолияти устидан таъсирчан назоратни таъминлашда айрим муаммоларга олиб келади.

иккинчи. Депутатлик ваколатларини аниқлаштириш ва кучайтириш масалалари:

– Депутатларнинг давлат бошқаруви ва ижро ҳокимияти устидан назорат ўрнатиш имкониятлари доимий равишда такомиллаштириб борилиши керак. Айрим ҳолларда, уларнинг маълумот олиш ёки муайян масалаларни чуқур ўрганиш бўйича имкониятлари чекланган бўлиши мумкин.

учинчи. Очиқлик ва ҳисобдорликни янада ошириш зарурати:

– Давлат органларининг ҳисобдорлиги ва ошкоралигини кучайтириш, қабул қилинаётган қарорлар ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиш механизмларини янада ривожлантириш зарур. Бу жараёнларда ахборот технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

тўртинчи. Фуқаролар ва жамоатчилик иштироки етарлича фаол эмас:

– Депутатлик назорати самарадорлигини ошириш учун фуқаролик жамияти ва ОАВнинг фаол иштироки жуда муҳим. Жамоатчилик билан ҳамкорлик механизмларини кучайтириш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш имкониятини янада кенгайтириш мумкин.

Парламент ва депутатлик назоратини такомиллаштириш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш долзарб масалаларига ечимлари сифатида қуйидаги таклифларни илгари сурилади:

биринчи. Қонунчиликни такомиллаштириш

– депутатлик назоратини кучайтиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани ривожлантириш.

– депутатларнинг давлат органлари фаолияти тўғрисида ахборот олиш имкониятларини кенгайтириш.

иккинчи. Назорат механизмларини модернизация қилиш

– парламент ва депутатлик назорати жараёнларини рақамлаштириш ва автоматлаштириш.

– давлат органлари фаолияти устидан мониторинг ўрнатиш механизмларини ривожлантириш.

учинчи. Ҳисобдорлик ва ошкораликни кучайтириш

– давлат органлари раҳбарлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти бўйича очиқ ҳисоботлар тақдим этиш амалиётини ривожлантириш.

– парламент муҳокамаларини жонли эфирда ёйинлаш ва жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш.

тўртинчи. Фуқаролик жамияти ва ОАВ билан ҳамкорликни кучайтириш

– депутатлар ва жамоатчилик ўртасида доимий мулоқот платформаларини яратиш.

– журналистлар, ҳуқуқшунослар ва нодавлат ташкилотларни парламент назорати жараёнига фаол жалб этиш.

– халқаро тажрибани ўрганиш ва илғор моделларни амалиётга жорий этиш.

Парламент ва депутатлик назоратини такомиллаштириш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мумкин. Бунинг учун назорат механизмларини кучайтириш, қонунчиликни такомиллаштириш ва жамоатчилик иштирокини ошириш каби чора-тадбирларни амалга ошириш зарур. Фақат шу тарзда ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасига эришиш мумкин.

Фойданилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.04.2017 йилдаги ПФ-5005-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида” ги 2003 йил 29 август кунги ЎРҚ-522-сон қонун
5. Парламент назорати тўғрисидаги 2016 йил 11 апрелдаги ЎРҚ 403-сон қонуни
6. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.02.2023 йилдаги ПФ-27-сон. Фармони.
7. Қадамович, Бабаханов Ҳамдам, and Дилшодбек Ўткур Ўғли Расулов. "ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАТИКАСИДА ФУҚАРОЛАР ИШТИРОКИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ." Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.2 (2024): 128-132.